

Annals of clinical disciplines



VOLUME 1, ISSUE 2

2024

ACD
2024

<https://tadqiqot.uz/index.php/spjacd>



БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ



ISSN 0000-0000

DOI Journal 10.26739/0000-0000

ANNALS OF CLINICAL DISCIPLINE

1 ЖИЛД, 2 СОН

АННАЛЫ КЛИНИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН

ТОМ 1, НОМЕР 2

КЛИНИК ФАНЛАР ЙИЛНОМАСИ

VOLUME 1, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2024

ANNALS OF CLINICAL DISCIPLINE

АННАЛЫ КЛИНИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН | КЛИНИК ФАНЛАР ЙИЛНОМАСИ

№2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/0000-0000-2024-2>

BOSH MUHARRIR: | ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР: | CHIEF EDITOR:

Ш.Ж. ТЕШАЕВ

BOSH MUHARRIR O'RINBOSARI: | ЗАМЕСТИТЕЛЬ
ГЛАВНОГО РЕДАКТОРА: | DEPUTY CHIEF EDITOR:

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

М.Ж. Саноева
У.К. Абдуллаева
Д.А. Хасанова
М.Н. Исматова
С.С. Давлатов
А.Р. Облоқулов
Ш.Т. Ўроқов
Н.У. Нарзуллаев
Ш.Б. Ахророва
В.Р. Акрамов
У.С. Мамедов
И.К. Садуллоева
Г.Ж. Жарилкасинова
А.А. Саидов
Н.Н. Каримова
Д.А. Набиева

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

Н.А. Нуралиев (Бухара)
А.Г. Гадаев (Ташкент)
Г.Н. Собирова (Ташкент)
М.М. Каримов (Ташкент)
У.К. Қаямов (Ташкент)
Л.Б. Новикова (Россия Федерацияси)
О.И. Летяева (Россия Федерацияси)
И.В. Реверчук (Россия Федерацияси)
Edip Gonullu (Турция)
Eva Lietto (Италия)

© Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов


О журнале

Журнал зарегистрирован в Агентство информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан
№ С-239963 от 14 марта 2024 года

Адрес редакции: Республика Узбекистан, 200114,
г. Бухара, ул. Гиждуван, 23
Телефон: +998(65)2230050
Сайт: <https://tadqiqot.uz/index.php/spjacd>
e-mail: abumkur14@gmail.com

1. Abdullaev R.B., Bakhtiyarova A.M., Mansurbekov D.M.	
Effectiveness of comprehensive treatment of peptic ulcer	6
2. Abdullaev R.B., Bakhtiyarova A.M., Mansurbekov D.M.	
Therapeutic diet for ulcer disease in the Khorezm region.....	10
3. Akhrorova L.B.	
Study of the main serum cytokines in patients with liver echinococcosis.....	15
4. Boltayev E.B.	
Травматологик оперatsiyalar vaqtida o`tkaziladigan regional anesteziyada deksmedetomidinning roli.....	19
5. Ergashov B.B.	
Onkologik bemorlarda yurak-qon tomir kasalliklari.....	24
6. Ergashov B.B.	
Chemotherapy and cardiac arrhythmias.....	29
7. Eshniyazova G.Sh.	
Yarali kolit bilan og`rigan bemorlarga mikronutrient yetishmovchiligi.....	37
8. Gorbunov A.P., Pashov A.I., Reverchuk I.V., Gulyaeva A.A.	
Psychopathological and stress conditions in women at threatened premature birth.....	41
9. Hikmatov J.S.	
Bronxoektazni davolashda differensiyalashgan immunokorreksiyalashning ahamiyati.....	47
10. Mekhriddinov M.K.	
Strangulation of the sigmoid colon was the cause of acute intestinal obstruction. Clinical case....	52
11. Mirzoyeva M.R., Sadulloyeva R.S.	
The spread of coronavirus infection around the world.....	56
12. Mukhamedova M.S., Isaev I.S.	
Improving the organization of prevention of non-communicable diseases.....	60
13. Narzulloeva D.S.	
Assessment of the sodium-uretic peptide system and the structural and functional status of the myocardium in patients with chronic heart failure.....	64
14. Rajabov D.O'.	
Diabetik tovon sindromini kompleks jarrohlik davolash usullarini takomillashtirish.....	69
15. Rakhimov A.Y.	
Microflora analysis of osteomyelitis and osteoarthritis in patients with complicated form of diabetic foot syndrome.....	80
16. Raupov F.S.	
Bolalarda o`tkir bakterial destruktiv pnevmoniyaning kechish xususiyatlari.....	84
17. Safarova G.A.	
Clinical and laboratory aspects of patients with post-covid nephropathy.....	90
18. Saidova L.B.	
Analysis of childhood infections, particular hepatitis.....	95
19. To'rayeva M.Sh., Gaziyeu K.U., Raximov A.Y.	
Gigantomastiyani T-kesma mamoplastika texnikasi yordamida kichraytirish.....	101
20. Umurova N.M.	
Epidemiological aspects of the incidence of pollinosis in the Bukhara region.....	106
21. Газиев К.У.	
Операциядан кейинги қорин чурраларида герниопластиканинг турли усулларининг самарадорлигини қиёсий тавсифлаш.....	113
22. Жумаева М.Ф.	
Связь между тяжестью цирроза печени и анемией.....	118
23. Жумаева М.Ф.	
Редкие причины анемии наблюдаемые при заболеваниях печени.....	125

24. Жумаева М.Ф.	
Есть ли влияние анемии на развитие гепаторенального синдрома?.....	133
25. Исмагова М.Н.	
Корреляция между клинико-лабораторными показателями и структурными изменениями почек при различных типах хронического гломерулонефрита с нефротическим синдромом.....	137
26. Мехридинов М.К., Носиров Ю.У.	
Бактериальная деструкция легкого, как осложнение COVID-19-пневмонии.....	141
27. Мирзоева М.Р., Ашурова Н.А.	
COVID-19 касаллигининг ҳомиладорларда учраш даражаси ва кечиш хусусияти.....	145
28. Мустафаева М.Р.	
Контраст-индуцированная нефропатия у больных стабильной ишемической болезнью сердца и однолетний прогноз // Анналы клинических дисциплин.....	150
29. Мухамеджанова М.Х.	
Прогностическое значение феррокинетических показателей у больных гепатитом с ассоциации с хронической сердечной недостаточностью.....	158
30. Наврузова Л.Х.	
Комплексный подход при лечении некариозных поражений твердых тканей зубов.....	163
31. Ниёзов Ф.Ё.	
Лечение эхинококковых кист печени у детей - путьём лапароскопии и его возможности...	169
32. Нуриддинов С.С.	
Некоторые клинические характеристики больных детей с колостазом.....	175
33. Орипова Ф.Ш.	
Тухумдон эндометриомасини даволашнинг замонавий усулини ишлаб чиқиш.....	181
34. Орипова Ф.Ш.	
Исследование половых гормонов у женщин с эндометриомой яичника.....	185
35. Остапенко Е.Н., Новикова Н.П., Хондожко В.Н.	
К вопросу диагностики кардиоэмболических инфарктов мозга (случай из практики).....	191
36. Раджабов А.И., Сафоев Б.Б., Ярикулов Ш.Ш.	
Результаты хирургических методов лечения больных с острым калькулёзным холециститом осложненный холедохолитиазом.....	199
37. Раджабова Г.Б.	
Сирка кислотаси билан ўткир захарланган беморлар организмида тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми белгиларининг ташҳисий сезгирлиги ва маълумотлилик қиймати.....	209
38. Саидова Н.Ф.	
Глазная патология с преморбидном фоном у детей.....	219
39. Тухтаев Д.А.	
Предикторы развития кардиоренального синдрома у больных хронической болезнью почек.....	223
40. Умурова Н.М.	
Динамика суточного мониторирования артериального давления у больных с хронической обструктивной болезнью лёгких и артериальной гипертонией среди мужского населения.....	229
41. Хикматов Ж.С., Исмагов Ж.К., Солиева Ш.С.	
Эффективность применения повидон-йода при обработке остаточной полости после эхинококкэктомии легких.....	237




УДК : 616. 995. 1 - 053.2 - 036 : 612. 023.

Мирзоева М.Р., Ашурова Н.А.

Бухоро Давлат Тиббиёт Институти, Бухоро, Ўзбекистон

COVID-19 КАСАЛЛИГИНИНГ ҲОМИЛАДОРЛАРДА УЧРАШ ДАРАЖАСИ ВА КЕЧИШ ХУСУСИЯТИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.12788677>

АННОТАЦИЯ

COVID-19 инфекцияси жуда юқумли касаллик бўлиб, касалликнинг ўзига хос тарқалиш томонларини, эпидемиологик хусусиятларини ва инфекцияли беморларни аниқлаш ва даволашнинг тегишли усулларини билиш муҳимдир. COVID-19 ни даволаш усуллари ҳали ҳам тўлиқ эмас ва вируснинг хусусиятлари ўзгараётгани сабабли, у қарши эпидемиологик, профилактик ва терапевтик тадбирларни янада такомиллаштиришни рағбатлантиради. COVID-19 – кўпроқ пастки нафас йўлларининг зарарланиши билан кечувчи ўткир респиратор вирусли инфекциядир. Касаллик енгил ўткир респиратор вирусли инфекция шаклида ёки оғир пневмония, ўткир респиратор дистресс синдроми (ЎРДС), сепсис ва септик шокни ривожланиши билан оғир ва ўта-оғир кечиши мумкин.

Калит сўзлар: COVID-19, бемор, вирус, пневмония.

Mirzoeva M.R., Ashurova N.A.

Bukhara State Medical Institute, Bukhara, Uzbekistan

THE EXTENT AND NATURE OF THE OCCURRENCE OF COVID-19 IN PREGNANT WOMEN

ANNOTATION

COVID-19 infection is a highly contagious disease, and it is important to know the specific spreading aspects of the disease, epidemiological characteristics and the appropriate methods of identifying and treating infected patients. Treatments for COVID-19 are still incomplete and, as the characteristics of the virus are changing, it promotes further improvement of counter epidemiological, preventive and therapeutic measures. COVID-19 is an acute respiratory viral infection with more lower respiratory tract damage. The disease can be severe and acute in the form of a mild acute respiratory viral infection or with the development of severe pneumonia, acute respiratory distress syndrome (ARDS), sepsis and septic shock.

Keywords: COVID-19, patient, virus, pneumonia.

Мирзоева М.Р., Ашурова Н.А.

Бухарский Государственный Медицинский Институт, Бухара, Узбекистан

ЧАСТОТА И ХАРАКТЕР ТЕЧЕНИЯ ЗАБОЛЕВАНИЯ COVID-19 У БЕРЕМЕННЫХ

АННОТАЦИЯ

Инфекция COVID-19-очень заразное заболевание, и важно знать конкретные аспекты распространения заболевания, эпидемиологические особенности и соответствующие методы выявления и лечения инфицированных пациентов. Методы лечения COVID-19 все еще не завершены, и, поскольку характеристики вируса меняются, он стимулирует дальнейшее совершенствование противоэпидемиологических, профилактических и терапевтических мер. COVID-19-это острая респираторная вирусная инфекция, которая чаще всего сопровождается поражением нижних дыхательных путей. Заболевание может протекать в виде легкой острой респираторной вирусной инфекции или тяжелой и тяжелой с развитием тяжелой пневмонии, острого респираторного дистресс-синдрома (ОРДС), сепсиса и септического шока.

Ключевые слова: COVID-19, пациент, вирус, пневмония.

Кириш. COVID-19 симптомлари носпецифик ва ҳар қандай ёшда иситма (83-99%), йўтал (59- 82%), чарчоқ (44-70%), анорекция (40-84%), нафас қисилиши (31-40%) миалгия (11-35%) шунингдек, масалан томоқ оғриғи, бурун битиши, бош оғриғи, диарея, қўнғил айниши ёки қайт қилиш каби носпецифик белгилар бўлиши мумкин. Катталарда респиратор белгилар пайдо бўлишидан олдин ҳидни(аносмия) ёки таъм сезишни йўқотиш (агевзия) ҳам учрайди. Болаларда COVID-19 клиникаси турли хил бўлишига қарамай иситма ва йўтал симптомлари энг кўп учрайди [1]. Охириги йилларда дунё бўйлаб миллионлаб инсонларни азият чекишига сабаб бўлган COVID-19 пандемияси ҳомиладор аёлларга ҳам таъсир қилиб, замонавий тиббиётни глобал муаммоси бўлиб қолмоқда. 2020-йил 12-март куни эпидемиянинг кўплаб мамлакатлар ва қитъаларда жадал ривожланиши натижасида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...ҳомиладор аёллар юқори нафас йўллари зарарловчи юқумли касалликларнинг оғирроқ кечишига мойил бўлишади...» Турли тадқиқотларга кўра, янги коронавирус инфекцияси муддатидан олдинги туғруқ, ҳомила тушиши ва преэклампсияга олиб келиши мумкин[2]. Айни пайтда бутун инсониятдан фарқли равишда ҳомиладор аёллар ноёб «иммунологик» ҳолат сифатида ва ҳомиладорлик даврида барча орган ва тизимлар фаолиятининг ўзгариши билан ажралиб турадиган алоҳида гуруҳни ташкил этиб, вирусли инфекцияларга нисбатан юқори сезувчанлиги сабабли COVID-19 ўтказган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик оқибатини ўрганиш ҳамда репродуктив ёшдаги аёлларда прегравидар тайёрлашга зарурлигини асослаш замонавий тиббиёт амалиётида ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади[3].

Жаҳонда COVID-19 нинг ҳомиладорлик кечишига таъсирини, вакцинанинг ҳомиладор аёл ва ҳомила организмга таъсирини ўрганишга, ҳамда келажакда ҳомиладорликни режалаштираётган репродуктив ёшдаги аёлларда прегравидар тайёрлашга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳомиладорларда ҳамда репродуктив ёшдаги аёлларда прегравидар тайёрлаш учун иммун тизимини ўрганиш, ҳомилага толерантликнинг сақланиши ва организмнинг ёт микроорганизмларнинг кириб келишига адекват иммун жавоб бериш қобилияти ўртасидаги мувозанатни сақлаш, психологик ҳолатни тиклаш, макро ва микроэлементларни буюриш, гемостаз тизимини тиклаш ва пост-Covid синдроми белгиларини бартарф этиш натижасида ҳомиладорликнинг турли муддатларида COVID-19 ўтказган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришни такомиллаштирилган усулини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси замонавий тиббиётида аёлларнинг ҳомиладорлиги ва болаларнинг соғлом туғилиши долзарб. Бу борада тинимсиз изланишлар олиб борилиб, касалликларни келиб чиқиш сабаблари аниқланмоқда, муолажа қилинмоқда. Ҳозирги кунда аёлларда жинсий аъзолар касаллиги жуда кўпайиб бормоқда, Бундан ташқари ҳозирги кунда янги касалликнинг тарқалиши, коронавирус COVID—19 сабаб бўлган ўткир респиратор синдроми 2019 йил декабрда Хитойда пайдо бўлгани ва бошқа мамлакатларга тарқалгани таъкидлаб ўтиш жоиз. Бундан ташқари, ҳомиладор аёлларда ҳар йили дунё бўйича 500000 аёлда биринчи марта бачадон бўйни раки аниқланди ва қарийб беморларнинг

ярмида ўлим ҳолати кузатилади. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими олдида қўйилган аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда жаҳон андозаларига мослаштириш, жумладан репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини сақлаш, уларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган қатор вазифалар юклатилган [4]. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш...» каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, COVID-19 ни ўтказган аёлларни прегравидар тайёрлаш тамойилларини такомиллаштириш, шунингдек, COVID-19 билан оғриган аёлларда ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврнинг кечишини, ушбу инфекциянинг оналик ва перинатал оқибатларга таъсирини ўрганиш, ҳомиладорликни режалаштираётган репродуктив ёшдаги аёлларни прегравидар тайёрлаш нуктаи назаридан эмлашнинг мақсадга мувофиқлиги ва хавфсизлигини асослаш орқали ривожланмаган ҳомиладорлик ва ҳомиланинг антенатал ўлими каби асоратларни олдини олиш ва оналар ўлими кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Вашингтон университетининг муаллифлар жамоаси Вашингтонда штат бўйлаб, кўп марказли, ретроспектив когортали тадқиқот ўтказишди, ушбу тадқиқотга кўра SARS-CoV2 натижаси мусбат чиққан ҳомиладор аёлларнинг 90,8 фоизда касаллик енгил, 7,5 фоизда оғир кечган, аёлларнинг 1,7 фоизи критик ҳолатда бўлган [5]. 20 ёшдан 39 ёшгача бўлган ҳомиладор аёллар (10%) орасида ҳомиладор бўлмаган аёлларга (2,8%) нисбатан COVID-19 туфайли шифохонага ётқизиш ҳолатлари 3,5 маротаба кўпроқ кузатилган [6]. Ҳомиладор аёллар орасида ўлим ҳолатлари COVID-19 билан боғлиқ бўлган ўлимнинг 9,4 фоизини ташкил этган, қайсики бундай ёшдаги ҳомиладор бўлмаган аёллар ўртасидаги кўрсаткичдан 13,6 баравар юқориқдир (Gray G.J., et al., 2021). Яқинда N.Aghaeepour et al.(2023) тўлиқ муддатли ҳомиладорлик пайтида рўй берадиган периферик қондаги иммунологик жараёнларнинг "иммун соати" деб аталган аниқ вақтини таклиф этишган. Ҳомиладорлик Т- хужайраларнинг кўплаб субпопуляцияларида, жумладан CD25+ FoxP3+ Treg- хужайралар, CD4+ ва CD8+ Т-хужайралар ва $\gamma\delta$ Т-хужайраларда STAT5ab сигналларининг эндоген узатилишини барқарор ва прогрессив равишда кучайишига олиб келганлиги аниқланган. Онанинг иммун тизими ёт патогенларнинг кириб келишидан яхшигина ҳимояланган. Туғма НК хужайралари ва моноцитлар вирусларга қарши кучлироқ таъсир этади, Т ва В хужайраларнинг сони эса камаяди [7,8]. Бундан ташқари, ҳомиладорлик даврида юқори нафас йўллари эстроген ва прогестероннинг юқори даражаси туфайли кенгайишга мойил бўлади, қайсики ўз навбатида ҳомиладор аёлни респиратор патогенларга нисбатан сезгир қилиб қўяди. Ўзбекистонлик олимлар Абдуллаева Л.М. (2021), Ихтиярова Г.А. (2021), Махкамова И.М. (2021), Пахомова Ж.Е. (2021) ва бошқалар томонидан янги коронавирус инфекциясининг ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнини кечиши ҳамда оқибатларига таъсири борасида олиб борган тадқиқотлари эътиборга лойиқдир, аммо SARS-CoV-2 вирусини яқинда кашф этилган, вирус ва унинг таъсири, жумладан унинг юқиш йўллари, касалликнинг хавф омиллари ва ўлим даражаси ҳақидаги маълумотлар чекланган. Тавсияларни асослаш учун COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёллар ҳақидаги маълумотлар етарли эмас. Юқорида айтилганларнинг барчаси она ва ҳомилага кўрсатиладиган ёрдамни индивидуаллаштириш ҳамда ҳомиладорлик ва туғруқ оқибатларини яхшилаш учун COVID-19 ни ўтказган репродуктив ёшдаги аёлларни прегравидар тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш заруратини белгилайди.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлган акушерлик ва гинекология амалиётида ҳомиладорликнинг турли триместрларида COVID-19 ўтказган ҳомиладорларда, ҳомиладорликни режалаштираётган репродуктив ёшдаги аёлларни прегравидар тайёрлаш кераклигини асослаш, асоратларни эрта ташхислаш

ва даволашда янги даво усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш имконини беради.

COVID-19 ўтказган аёлларда ҳомиладорлик жараёнининг хусусиятлари, шунингдек, касалликнинг ўртача ва оғир шаклларида ҳомиладорликнинг турли триместрларида ҳомиладорлик оқибатлари аниқланиши ҳисобига юзага келиши мумкин булган асоратларнинг олди олинган ва уларнинг ривожланиш хавфи камайтирилган. COVID-19 ўтказган предгавидар тайёргарликка мухтож булган репродуктив ёшдаги аёлларни аниқлаш учун ишлаб чиқилган алгоритм орқали диагностика ва даволаш самарадорлиги яхшилаш зарурлигини кўрсатади.

COVID-19 ўтказган предгавидар тайёргарликка мухтож булган репродуктив ёшдаги аёлларни аниқлаш алгоритмидан нафақат акушер-гинекологлар, балки оилавий шифокорлар ҳам фойдаланиши мумкинлиги асосланган яъни унга махсус малака оширган шифокорлар бўлиши шарт эмаслиги исботланиб, ортиқча сарф харажатлар билан янги кадр тайёрлашга хожат йўқлиги ҳисобига давлат бюджети маблағларини иқтисод қилишга эришилган. Ҳомиладорликнинг турли босқичларида COVID-19 касаллигини кечишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш орқали ҳомиладорлик даврида юзага келиши мумкин булган асоратлар олдини олишга эришилган.

Болалар ва ҳомиладор аёллар каби аҳолининг махсус гуруҳларида COVID-19 нинг клиник кўринишлари ҳақида маълумот кўп эмас. Ҳозирда ҳомиладор аёллар ва репродуктив ёшдаги ҳомиладор бўлмаган аёлларда COVID-19 клиник кўринишлари ўртасида маълум фарқ йўқ. Бу хавfli касаллик бўлиб, у ўткир енгил респиратор вирусли инфекция кўринишида кечиши, ҳам ўзига хос асорати вирусли пневмония бўлган, унинг оқибатида ўткир респиратор дистресс-синдром ёки нафас етишмовчилиги натижасида ўлим хавфи билан асоратланадиган оғир кўринишда кечиши мумкин. Ҳозирча касалликка қарши специфик вирусга қарши даво ёки олдини олувчи дори воситаси мавжуд эмас. Аксарият ҳолларда (тахминан 80%), специфик даво талаб этилмайди, соғайиш ўз-ўзидан келиб чиқади. Касалликнинг оғир шакллари кекса одамларда ва баъзи бир касалликлар, астма, диабет ва юрак хасталиклари мавжуд беморларда, кўпроқ ривожланиши мумкин. Оғир ҳолатларда ҳаётий муҳим органларнинг фаолиятларини сақлаб қолишга қаратилган дори воситалари қўлланилади.

Сўнгги пайтларда болаларда полиорган етишмовчилик ва шокка олиб келувчи ўткир гиперяллиғланиш синдроми ёритилган, қайсики, ҳозирда болалар ва ўсмирларда COVID-19 билан вақтинча боғлиқ мультитизимли яллиғланиш синдроми (Кавасакисимон синдром) сифатида ёритилмоқда. Ҳали ҳам ҳомиладор аёлларда асосий касалликни оғир касалликлар билан боғлайдиган ишончли далиллар мавжуд эмас. Лаборатор тасдиқланган COVID-19 ва асосий ҳолатлар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлган 345 нафар ҳомиладор аёллар орасидан 23% асосий касаллигидан ташқари сурункали ўпка касаллиги (шу жумладан бронхиал астма), юрак-қон томир касалликлари ва иммуносупрессияси бўлган. Ҳомиладор аёллардаги COVID-19 нинг клиник белгилари бошқа вируслар келтириб чиқарадиган ЎРВИ клиник кўринишига мос келади: иситма, йўтал, томоқ оғриғи, аксириш, ҳолсизлик, миалгия. Коронавирус инфекциясининг клиник кўринишларининг яққоллиги симптомларнинг йўқлигидан (симптомсиз кечиши) ёки енгил респиратор симптомлардан, оғир ОЎРС гача (оғир ўткир респиратор синдром) фарқ қилиб қуйидаги белгилар билан кечади:

- ҳолатини яққол бузилишидан онг бузилишигача;
- титроқ, терлаш;
- бош ва мушаклар оғриғи;
- қуруқ йўтал, нафас қисилиши, тез ва оғир нафас олиш;
- юракнинг тез уриши.

ОЎРСнинг энг кенг тарқалган кўриниши бу ЎРДС ёки ўпка шиши билан асоратланган иккитомонлама вирусли пневмония ҳисобланади.

Хулоса. COVID-19 билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик жараёнининг хусусиятлари касалликнинг давомийлиги ва уларнинг асоратлари турига қараб аниқланди, бу

эса ушбу патологияда ҳомиладорлик жараёнининг натижаларини сезиларли даражада яхшилади. COVID-19 билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик натижалари касалликнинг муддати ва оғирлигини ҳисобга олган ҳолда ўрганилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Arkhipov V.V., Valeev R.Sh., Makhmutkhodzhaev A.Sh., Ogorodova L.M., Timoshina E.L., Fassakhov R.S., Tsoy A.N. Pulmonary disease in pregnancy. Moscow: Atmosfera; 2002 (in Russian). ISBN 5-902123-03-8
2. Bekmetova S.K., Mirzayeva N.S., Djumaniyazova G.M. The course and outcome of pregnancy in women with severe out- nosocomial pneumonia. Avitsenna 2017; (7):4–6 (in Russian).
3. Kruglyakova L.V., Naryshkina S.V., Odireev A.N. Modern aspects of community-acquired pneumonia. Bülleten' fiziologii i patologii dyhaniâ = Bulletin Physiology and Pathology of Respiration 2019; (71):120–134 (in Russian). doi: 10.12737/article_5c89acc410e1f3.79881136
4. Sinopal'nikov A.I., Fesenko O.V. Community-acquired pneumonia. Moscow: GEOTAR-Media; 2017 (in Russian). ISBN 978-5-9704-4289-0.
5. Sinopal'nikov A.I., Styrt E.A. Community-acquired pneumonia in pregnancy. Klin. Med. 2016; 94(4):249–254 (in Russian). doi: 10.18821/0023-2149-2016-94-4-249-254
6. Sergeeva I.V. Features during flu in pregnant women in 2015-2016 season of the year. Mezhdunarodnyy akademi-cheskiy vestnik 2016; (5):35–37 (in Russian).
7. Tarbaeva D.A. Pregnancy and childbirth during the influenza A(H1N1)PDM09: clinical and epidemiological study in Zabaykalsky krai: abstract of PhD (DSc) thesis. Chita; 2017 (in Russian).
8. Trubitsina A.Yu. Pregnancy and childbirth in severe complicated forms of influenza A(H1N1): abstract of PhD thesis. Irkutsk; 2013 (in Russian).

ANNALS OF CLINICAL DISCIPLINE

1 ЖИЛД, 2 СОН

АННАЛЫ КЛИНИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН

ТОМ 1, НОМЕР 2

КЛИНИК ФАНЛАР ЙИЛНОМАСИ

VOLUME 1, ISSUE 2

Научно-практический журнал по всем
направлениям медицины
основан в 2024 году
Бухарским государственным
медицинским институтом
Выходит один раз в 3 месяца
Учредитель Бухарский государственный
медицинский институт